

10-МАВЗУ: ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ТАРМОҚЛАРИДА ДАВЛАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ РЕЖА

- 1. Қишлоқ хўжалигининг тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқаришни бошқариш.**
- 2. Товар маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини давлат томонидан бошқариш ва мувофиқлаштириш**
- 3. Агросаноат мажмуаси соҳасида молия, кредит, солиқ ва баҳолар тизими.**

Агросаноат мажмуининг фаолиятида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан биргаликда, маҳсулотларни сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш билан боғлиқ бўлган инфратузилма бўғини жуда муҳим аҳамиятга эга. Айнан етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларини ривожлантириш давр талаби. Қишлоқ хўжалик маҳсулот етиштирувчиларни бош вазифаси - тузилган шартномаларга мувофиқ маҳсулот ишлаб чиқаришни нақадар миқдор кўринишида етказиб бериш, балки маҳсулотни истемолчига қулай ва сифатли ҳамда арзон баҳоларда етказиб беришига эътибор қаратилиш лозим.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш цехларнинг фаолиятини ўрганиш натижасида, хўжаликни рентабеллик кўрсаткичи қайта ишланган сабзавот турлари бўйича фарқ қилишни кўрсатмоқда. Ҳозир республикамизда консерва комбинатлари ҳар йили етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларни 15 фоизини қайта ишлаб келмоқда. Буларнинг рентабеллигини ошириш учун энг аввало маҳсулот сифати ва тури ҳақида қайгуриш керак.

Ишлаб чиқариш юқори дарожада сермеҳнат бўлиб, ишлар кам механизациялашган туфайли очик ердаги сабзавотчиликда кўл меҳнатининг салмоғи 70 фоизни, консерва саноатида 50 фоизни ташкил этади.

Республиканинг мева-сабзавот саноати бир қанча йирик консерва заводларини ўз ичига олиб, уларнинг бутун товар маҳсулотлари ҳажмидаги салмоғи 40-50 фоизни ташкил қилади.

Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиши муносабати билан қайта ишлаш корхоналари олдида қуйдаги долзарб масалаларни ҳал этиш кун тартибида турипти:

- замонавий моддий техника базасини шакллантириш,
- етарлича миқдорда идиш ва ҳокозаларга эга бўлиш керак.

Ҳозиги пайтда ишлаётган ускуналарнинг 50 фоиздан зиёдроғи маънавий ва жисмоний жихатдан эскирган. Шарбатнинг корсервалашнинг асептик усули, узлуксиз ҳаракатдаги центрофугалардан фойдаланиб помидор шарбати олиш усули ва ҳокозолар сингари унумроқ техника ва технологияни жорий этмоқ лозим бўлади;

- корхонани хусусийлаштиришнинг иқтисодий усулларини тубдан такоминлаштиришга оид масалаларни ҳал этиш зарур;
- консерва заводларнинг иш самарадорлиги уларни қишлоқ хўжалик корхоналари билан боғлашни кучайтириш талаб этмоқда.

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг даладан истемолчигача ҳаракати маълум миқдордаги исрофгарчилик ва сифат бузилишлари билан кечмоқда.

Бир қатор тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра масалан, сут ишлаб чиқариш ва қайта ишлашдаги исрофгарчилик умумий хажмининг 7,5 фоизига тўғри келади. Айни пайтда бу исрофгарчиликнинг 3 фоизигача қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида бўлади. Бу ўз навбатида сут маҳсулотлари сотилиши баҳоларини ошиб кетишига ва мамлакат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг рақобатбардошлигининг пасайтиради.

Мисол учун, Республикамининг кўпгина вилоятларида фермер ва ширкат хўжаликларида етиштирилган сабзавотлар асосан бара кўринишда сотилади. Маҳсулотларнинг жуда кўп қисми турли чакана савдо шахобчаларига тўғридан-тўғри жўнатилади. Маҳсулотнинг бир қисми мева-сабзавотларни қайта ишловчи корхоналарга реализация қилинади. Колган маҳсулот бозорларда ва бошқа истемолчиларга, жумладан вилоят ташқарисига сотилади.

Сабзавот маҳсулотларини бу тарзда реализация қилиш жуда катта нобудгарчиликларга олиб келиши мумкин. Нобудгарчиликлар сифат пасайиши, маҳсулотни сотиш чикитлари, транспортировка пайтидаги бузулишлардан ҳосил бўлади.

Экспертлар маълумотларига кўра, нобудгарчилик таннархда сабзавотлар бўйича 2,5-3,6 фоизни, картошка бўйича 2-3,6 фоизни ташкил қилади. Бу эса маҳсулот сотишнинг иқтисодий натижаларига салбий таъсир кўрсатади.

Истемолга киритишдаги қийинчиликлар бу босқичда нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сақланиш масаласи ва сифати, балки ишлаб чиқариш жараёнлари ривожига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Истемолчи учун маҳсулот сотувга яхши тайёрлангани, сифат бўйича нархларга ажратилгани ва харид қилиш мумкин бўлган баҳода эканлиги кабилар муҳимдир. Бунинг учун эса харидорга бориш жараёнида маҳсулотлар учун энг яхши шароитларни таъминлаш, сотиш жойларини ва тақсимлаш тартибини белгилаш зарур.

Истемолга киритишни оқилона ташкил этишда бозордаги мавжуд шароит, жумладан унинг маҳсулотлар билан канчалик тўлаллиги, бозордаги мавжуд нархлар, маҳсулотнинг сифатига қараб нархлар ўртасидаги фарқлар ҳамда маҳсулотларнинг харидорга тавсия қилиш муддатлари, мамлакатнинг турли вилоятларида аҳоли талабини, тўлов қобилиятини жиддий ўрганиш жуда катта аҳамиятга эга. Буни аниқ билиш корхонага маваффақиятли реализация қилиш ҳамда кўшимча даромадлар олиш имконини беради.

Бирқ молиявий сабабларга кўра, ташкилий сабаблар туфайли маҳсулотларни ишлаб чиқариш, сақлаш, товар сифатига тўла ишлов бери шва саноа қайти ишловчи жараёнларини бирлаштириш қишлоқ хўжалиги доирасида доимо мумкин бўлавермайди.

Масалан, бир корхона фақат ғалла етиштирса-ю, аммо ун ишлаб чиқаришни ва нон ёпишни ташкил этмаса, унинг оладиган фойдаси салмокли бўлмайди. Айни пайтда жуда йирик фермер хўжаликлар ўзини иқтисодий ҳолатини янада яхшилаш учун маҳсулот ишлаб чиқаришни, сақлашни, қайта ишлашни ва сотишни биргаликда олиб боришга ҳаракат қилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида фаолият олиб бораётган тадбиркорларнинг асосий қисми мини технология ва ускуналар тўғрисида малумотга эга эмаслиги туфайли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришига қизиқиши ҳам марказга нисбатан паст. Технологик ускуналарни сотиб олиш учун кўпчилик ҳолда тадбиркорлар турли хил

хорижий молия институтларининг кредит маблағларидан фойдаланиш имкониятларидан беҳабардирлар.

Кишлоқдаги аҳоли бандлигини таъминлаш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи мини заводлар бўйича техник тавсифномаларни таклиф этиш ушбу соҳада мавжуд муоммоларни ҳал этишни тезлаштириши мумкин.

Мисол сифатида бир неча лойиҳаларни кўриб чиқиш мумкин:

Меваларни қуритиш лойиҳаси. Лойиҳанинг мақсади экологик тоза ҳолатда меваларни қуритиш бўйича ишлаб чиқаришни ташкил этиш (ўрик, олма, олхўри, майз). Германиянинг NEXTIME EXPORT IMPORT GmbH фирмасининг ёрдамчи ускуналари ва заводнинг тўлиқ тўпламини асослаб беришдан иборат.

Ускуна етказиб берувчи фирма - бутун кредитлаш даврида кредит ва фоишларни қайтаришни маҳсулотни экспорт йўли билан Германияга сотишни ўз зиммасига олади.

Технологик ускунани ишлаб чиқариш майдони 300 м², лаборатория 10 м², омбор 100 м² бўлган ташқи электр энергияси, сув, канализация манбаларига эга бўлган иншоотни жойлаштириш кўзда тутилган.

Технологик линияда қуйдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш мумкин: қуритилган ўриклар -80 кг/смена, қуритилган олма -210 кг/смена, қуритилган олхўри – 42 кг/смена, қуритилган узум 150кг/смена.

Ишлаб чиқаришда олхўри 280 кг, ўрик-550 кг, олма – 2000 кг, узум -1500 кг бир сменада қуритилади.

Ишлаб чиқариш жараёни қуйдаги операциялардан иборат бўлади:

- Қабул қилиш; -Бирламчи қайта ишлаш;
- Саралаш; -Олтингургурт билан ишлов бериш;
- Ювиш; -Кислота билан ишлов бериш;
- Ташиш; -Қуритиш;
- Шамоллатиш; -Қадоқлаш;

Мини заводнинг нархи Ўзбекистон СІР етказиш шarti билан 400 минг АКШ доллари атрофида. Шартнома нархларига қуйдагилар қиради;

-ускунани нархи; -эҳтиёт қисми; -етказиб бериш; -шефмонтаж; -персонални ўқитиш.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва ускуналарга хизмат кўрсатишда 24та янги иш ўринлар яратилади.

Гўшти қайта ишлаш лойиҳаси. Лойиҳанинг мақсади гўшти қайта ишлаш ва гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқариш. Финляндиянинг ТОМКОНТ фирмасининг мини заводида асосий ва ёрдамчи ускуналарни тўлиқ тўплами ва биноси билан ишлаб чиқаришда тўлиқ самарадорликка эришиш кўзда тутилади.

Технологик ускуна контейнерда жойдашган бўлиб, осонлик билан жоида йиғилади. Ташқи электр энергия, сув, канализация уланиш манбаларига эга.

Технологик ускуна қунига 800 кг.дан 1000 кг.гача гўшти қайта ишлаш имконини беради ва қуйдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаради; қайнатилган колбаса маҳсулотлари; дудланган ва ярим дудланган колбаса маҳсулотлари; ветчина, буженина, карбонат; сосиска ва сарделка; филе ва гўшт қиймаси.

Афзалликлари;

-ишлаб чиқаришни ички хомашё билан тўлиқ таъминланганлиги;

-замонавий технологияларни қўлланганлиги сабабли харидорларни олий сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш имконияти;

-ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни номенклатураси турлича бўлганлиги учун бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини қисқа вақт ичида ўзгартириш мумкинлиги;

-кўлланилаётган ускуналар «экологик тоза» ва атроф муҳитни ҳимоялаш учун кўшимча сарф-харажатларни талаб қилмайди.

Ишлаб чиқариш жараёни куйдаги операцияларни ўз ичига олади:

1. Гўштни қабул қилиш;
2. Гўштни бўлиш;
3. Бирламчи ишлов бериш;
4. Тузлаш;
5. Стерилизациялаш;
6. Пайвандлаш;
7. Коплаш;
8. Кайнатиш;
9. Қуритиш ва дудлаш;
10. Музлатиш;
11. Вакуум билан қадаклаш.

Мини заводни нархи Тошкент СІР етказиш шarti билан 200 минг АКШ доллари атрофида. Шартнома нархларига куйдагилар қиради; ускунанинг нархи; эҳтиёт қисмлар; етказиб бериш; шефмонтаж; персонални ўқитиш.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва ускуналарга хизмат кўрсатишда 8та янги иш ўринлар яратилади.

Мевали ва сабзавотли шарбатлар ишлаб чиқариш лойиҳаси. Лойиҳа меваларни қайта ишлашни ташкил қилишдан иборат. Техник ускунани ташқи электр энергияси, сув, канализация манбаларига эга бўлган мавжуд иншоатда жойлаштирилади.

Технологик қурилма хомашё турига қараб суткасига 12-13 тонна мева маҳсулотларини қайта ишлаш имконини беради. Ушбу технологик линия куйдаги маҳсулотларни елимланган пакетларда қадоқлаш ишлаб чиқариши мумкин:

- концентратланган мнва ва сабзавот шарбатлари;
- турли мева концентратлари (олма, нок...).

Концентратларни ишлаб чиқаришда асосий хомашё сифатида куйдагилар олиниши мумкин:

-сабзи. Тайёр маҳсулотни умумий хомашёсининг 30%ни ташкил этади.

-данакли мевалар- олма, нок ва ҳоказолар. Тайёр маҳсулот хомашёсини 70%ни ташкил этади.

Ишлаб чиқариш жараёни:

1. Сақлаш;
2. Ювиш;
3. Майдалаш;
4. Кизитиз;
5. Шарбатни ажратиш;
6. Концентрациялаш;
7. Таъм қўшиш;
8. Филтрация қилиш;
9. Қадаклаш;

Мини заводнинг нархи Ўзбекистон СІР етказиш шarti билан 364 минг АКШ доллари атрофида. Шартнома нархларига куйдагилар қиради;

-ускуна нархи, -бир йиллик эҳтиёт қисмлар; -ёрдамчи ускуналар нархи; -қадоқлаш материаллари; -ташиш, ходимларни ўқитиш, суғурталаш, шефмонтаж, техник хужжатларни тайёрлаш.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва ускуналарга хизмат кўрсатишда 18та янги иш ўринлари яратилади.

Сутни қайта ишлаш лойиҳаси. Лойханинг мазмуни сутни қайта ишлаш ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришни Исроилнинг MAPAVO TECHNOLOGIES FOOD Ltd фирмасининг тўлик тўплами асосида амалга оширилади.

Технологик ускуна ташқи электр энергияси, сув, канализация манбаларига эга бўлган мавжуд иншоатда жойлашади.

Технологик ускуна суткасига 1000 литр сутни қайта ишлаш имконини беради. Хом сутнинг сифатига қараб (ёғликлиги) тайёр маҳсулот қуйидагича бўлади.

- | | | |
|-------------------------------------------------|---|-----------|
| - стерилизациялашган сут | - | 240 литр; |
| - творогли масса, таъм берувчи қўшилмалар билан | - | 85 литр; |
| - оқ сир ёки бринза | - | 16 кг; |
| - ёгурт, там берувчи қўшилмалари билан | - | 250 литр; |
| - сметана (қаймоқ) | - | 16 кг; |
| - сарёғ | - | 9 кг |

Ишлаб чиқаришда асосий хомашё ҳисобланади. Сутнинг ёғлилик даражаси 3,6 %дан кам бўлмаслиги керак.

Мини заводнинг нархи Ўзбекистон СІР етказиш шарти билан 131 360 АҚШ доллари атрофида.

Шартнома нархларига қуйидагилар киради:

- ускунанинг нархи;
- эҳтиёт қисмлар;
- етазиб бериш;
- шефмонтаж;
- персонални ўқитиш;
- 3 ойлик қадоқлаш материаллари;
- 12 ойлик қадоқлаш материаллари;

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва ускуналарга хизмат кўрсатиш 8 та янги иш ўринлари яратилади.

2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлашни ташкил этиши.

Анъанага кўра қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш жойлари ката сиғимларда қурилиб келинган ва истеъмол жойларида жойлашган бўлади.

Айни пайтда мамлакат ва жаҳон тажрибаси шуни кўрсатдики, маҳсулотларни энг яхши сақлаш, унинг миқдорий ва сифат нобудгарчилигига йўл қўймаслиқнинг энг юқори даражасини таъминлаш сақлаш базаларини ишлаб чиқариш жойларига яқин қуриб эришиш мумкин экан. Бунинг учун маҳсулотларни сақлаш жойларига келтиришни бевосита ҳосил йиғимидан кейин амалга ошириш керак. Бу ўз навбатида нобудгарчиликни камайтиришга имкон яратади, қшлоқ хўжалик корхоналир ишловчиларни номавсумий даврларда иш билан банилиги кучайтиришни таъминлайди. Йиғим-терим даврда ва етишитрилган хосилни ташишда транспорт воситаларига бўлган эҳтиёжни камайтиради. Барча чиқитлар ва талабга жавоб бермайдиган маҳсулотлар ўз жйоида қайта ишланади ва чорва озукаси учун фойдаланилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг товар қисмини бевосита улар ишлаб чиқарилган жойда сақлаш яна бир муҳим авзалликга эга: қшлоқ хўжалиги корхонасининг узоқ муддатга сақлашга қуган маҳсулотарини қишки-баҳорги мавсумларда бара ёки қайта ишланган сифатида мувоффақиятли сотиш мумкин. Бунда сотиш юқори баҳолардаги талабларни ҳисобга олга ҳолда амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш жойларидаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлашдан кейинги сотишни иқтисодий самарадорлиги сотиш давридаги бозор нархлари ва ишлаб чиқариш, навларга ажратиш, омборларда сақлаш, сотишга кетган харажатлар ўртасидаги фарқ билан аниқланади. Бунда фарқ маҳсулот нобудгарчилигига кетган харажатдан кам булиши керак. Ушбу самарадорлик миқдорига қараб қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш жойларида мақсадга мувофиқ ёки номувофиқлиги ҳақида хулоса чиқарилади.

Хозирда Республикадаги қишлоқ хўжалиги корхоналарида мавжуд омборхоналар асосан маҳсулотлар ва ем-хашак тайёрлашга мўлжалланган бўлиб, ката миқдордаги товар маҳсулотларини сақлаш имконинин бермайди. Товар маҳсулотларининг асосий қисмини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари беосита хосил йиғим-терим даврида ёки йиғим теримидан сўнг даров сотиб юборадилар. Шунинг учун уларга ката сиғимдаги омборлар керак бўлмайди.

Картошка ва мева-сабзавот маҳсулотларининг товар қисми ихтисослашган фермер хўжаликларининг йирик сақлаш хажмларига эга бўлган омборхоналарида йиғим теримдан кейинги қайта товар ишловидан сўнг улгуржи реализация қилиш учун, ярим фабрикатлар сифатида сақланади.

Қайта ишлов бери шва чиқитлардан фойдаланиш ҳам шу ерда амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида маҳсулотларни сақлаш учун моддий техник асос яратишда ишлаб чиқаришда фойдаланиш ва реализацияга мўлжалланган маҳсулотларнинг ўзига хос сақланиш хусусиятларини ҳисобга олиш зарур.

Маҳсулотларга сўнги товар ишлови бериш ва саноат қайта ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Сотиш учун мўлжалланган маҳсулотларни сақлаш, сифатини яхшилаш натижасида катта даромад олиш учун, қишлоқ хўжалиги корхоналари ўз кучи ҳамда воситалари билан маҳсулотларга сўнги товар ишлови берадилар, яъни товар сифатида уни энг юқори сифат даражасига кўтарадилар.

Ишлаб чиқариш жойларида пахта, ғалла, сабзавотлар ва меваларга самарали сўнги товар ишлови бериш кенг қўлланилади.

Фермерларда сутга сўнги товар ишлов бериш бевосита уни тозалаш, филтрлаш, 10 градусдан юқри бўлмаган хароратгача совитишан иборатдир. Ишлов бериш фермалар қошида маҳсус жихозланган сутчилик бўлимларида амалга оширилади. Бундай бўлимлар барча йирик фермаларда ташкил қилинади.

Фермер хўжаликларида соғиладиган чорванинг туёғи миқдорига ва механизациялаш даражасига кўра, сутни совитиш, уни ишлаб чиқариш технологияси билан бажарилади. Бунда шароитда бўлмаганда табиий йўллар билан совитилади. Фермалар қошидаги сутчилик бўлимларида сутга сўнги товар ишлови бериш маҳсулотни сақлаш сақлаш муддатини сезиларли узайтириш ва сутни кунига икки марта, эрталаб ва кеч курун олиб кетиш имкониятини беради. Сутга дастлабки ишлов бериш тизимини ишончли ташкил қилган кўпгина хўжаликларда сигирлар икки марта соғилади ҳам транспорт чикимларни тежаш мақсадида сутни бир марта олиб кетилади.

Фермалар қошидаги сутчилик бўлимларида сутни сўнги товар ишлови беришнинг авзаллиги яна шундаки, қишлоқ хўжалиги корхоналари амалдаги Давлат стандартларига мувофиқ шаҳардаги сут заводларига реализация қилинган биринчи навли сут учун жорий нархларга қўшимча ҳақ ҳам олишлари мумкин.

Совитилган ва тозаланган сутдан юқори талабга эга бўлган юксак сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари олинади.

Тухум етиштиришга йўналтирилган паррандачилик фабрикаларининг ташкилий таркибида одатда тухумларни қутиларга жойлаш ва саралаш цехлари ҳам бўлади. Ишлаб чиқариш цехида ишловчилар вақти-вақти билан, одатда бир сменада икки марта, тухум қиладиган товуқлар галасининг тухумларини йиғиб оладилар, Сўнг қутиларга жойлаш ва саралаш цехидан тухумлар сараланиб, савдо шахобчаларига реализация қилингунча омборхоналарда сақланади. Йирик ихтисослашган корхоналарда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг реализация учун мўлжалланган бир қисмига нафақат сўнги товар ишлови бериши, балки **саноат қайта ишлаб чиқариш** ҳам кўлланилади. Саноат қайта ишлаб чиқариши ёки ишлов берилиши аввало транспортовка қилиш учун ноқулай бўлган, шунингдек, бевосита савдо шахобчалари ва умумий овқатланиш муассасаларида реализация қилинишга мўлжалланган маҳсулотларга кўлланилади.

Қайта ишлаб чиқариш корхоналаридан узоқда бўлган, қатнов йўллари ёмон бўлган маҳсулотларга ҳам саноат қайта ишлови берилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер хўжаликларида етиштирилган маҳсулотларнинг бир қисми ёки барчасига саноат қайта ишлови бериш зарурати шундан келиб чиққанки, мамлакатда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган корхоналарда маҳсулотларни тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлов бериш соҳасида моддий техника базаси етарлича ривожланмаган. Шунинг учун сақлашга кўйилган маҳсулотларнинг катта қисми яроқсиз чиқитга айланиб қолади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатдики қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлов беришнинг моддий техник базасини яратиш иқтисодий нуқтайи назардан – товар камёблигини бартараф қилишнинг энг самарали йўли бўлиб, молиявий меҳнат ресурсларини капитал ресурслар жиҳатдан кўп ҳаражатли бўлган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаршига эмас балки етиштирилган маҳсулотни сақлашга имкон беради.

Анна шунинг учун ҳам мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалиги корхоналари маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлов бериш учун зарурий капиталга эга булган худудларда қайта ишлов бериш саноатини ишлаб чиқариш жойларига яқинлаштириш жадал кечмоқда. Бу ўз навбатида катта даромад олиш имконининг беради.

Қишлоқ хўжалиги хомашёсига белгиланган нархлар тизими, ундан ишлаб чиқарилган маҳсулотларга белгиланган нархлар тизимига мос келмаслиги ҳам қишлоқ хўжалик корхоналарида қайта ишлов бериш ишлаб чиқаришни яратишнинг муҳим омиллари бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам пахта, ғалла, гушт ва бошқа хомашёларни етказиш ҳамда реализация қилиш безарарга ишлашни таъминлаши мумкин.

Анна шу сабабга кўра, товра маҳсулоларни ишлаб чиқарадиган қишлоқ хўжалиги корхоналари уларга ўзи қайта ишлов бериб, ўзи уни сўнги ишлов берилган товра сифатида реализация қилишга интиломқдалар. Қайта ишланган маҳсулотни сотган товар ишлаб чиқарувчи нақд пулга эга бўлиб, уни тезда яна оборотга, яни фойда келтирадиган ишлар учун харакатга келтириб юборади.

Амалиётда қишлоқ хўжалиги хомашёсини тайёр маҳсулотга қайта илашнинг йирик қишлоқ хўжалиги корхоналари каби фермер хўжаликлари, шунингдек аҳолини шахсий томорқа хўжаликларидан фойдаланадиган икки варианты шаклланган.

Биринчи вариант – Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари қайта ишлаб чиқариш корхоналарига амалдаги пул қийматининг пасайишидан яъни инфляциядан каттий назар, шартномага кўра тайёр маҳсулотдан ўз улушини олиш учун хомашё етказиб берадилар. Бироқ кўпинча тайёр маҳсулот анча қиммат булиб, шу сабабали бозорда рақобатга бардош бераолмай қолади. Шунинг учун товар ишлаб чиқарувчилар қайта ишлов бериш учун кўпроқ ўсимликшунослик маҳсулотлари хомашёсини – ғалла, шакар, лавлаги ва хакозаларни пул қиймати ўзгаришига рози ҳолда етказиб берадилар.

Иккинчи вариант – Товар ишлаб чиқарувчи мустақил равишда ёки бошқа корхоналари билан кооперация алоқалари йўли билан тайёр маҳсулотни бозорга олиб чиқиш учун хомашё қайта ишлаш бўйича унча катта ва қиммат бўлмаган цех қуришга ҳаракат қилади. Бундай цех қуришдан аввал у мазкур товар бўйича бозор сиғими, унга мос маҳсулотларнинг айнан нархлари даражаси қандай, қайта ишлов бериш ишлаб чиқаришини ташкил этиш учун қандай инвестициялар талаб қилиниши, уларнинг манбалари ва харажатларни қоплаш муддатини яхши билиши керак.

Ўз ихтиёрида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига ишлов бериш, ишлаб чиқаришни ташкил этишни мўлжалланган корхона изчил, ҳар томонлама ишлаб чиқилган бизнес режага эга бўлиши зарур. Ишлаб чиқаришни шундай ташкил қилиш керакки унга сарфланган харажатлар энг қисқа муддатларда қоплансин. Бундай натижага эришишнинг энг муҳим имконияти эса ишлаб чиқаришни бошқа товар ишлаб чиқарувчилар билан кооперация орқали амалга оширишдир.

Мева-сабзавот маҳсулотларига ишлов бериш учун консервалар, шарбатлар ва хакозалар тайёрловчи цехлар ташкил қилиниши мумкин. Бу етиштирилган маҳсулотдан тўла фойдаланиш, исрофгарчиликни камайтириш, даромадларни кўпайтириш ва натижада тармоқ рентабеллиги даражасини ошириш имкониятини беради.

Мева-сабзавот маҳсулотларига бевосита улар етиштирилган жойларда қайта ишлов бериш озик-овқат дўконлари ассортиментлари, айниқса қишқи –кузги мавсумларда бой бўлиши имкониятини беради. Баъзи қишлоқ хўжалиги корхоналарида бундай цехларда ёввойи ўсувчи маҳсулотлар ҳам қайта ишланади.

Чорвачилик тармоқлари ривожланган қишлоқ хўжалиги корхоналарида кўпроқ паррандачилик маҳсулотларига қайта ишлов бериш кенг тарқалган. Бу тармоқ катта ҳажмли ишлаб чиқаришли паррандачилик фабрикаларига мўлжалланган ва улар ўз жойида жуда кенг миқдорда маҳсулотларни қайта ишлашлари мумкин.

Паррандачилик корхоналари қайта ишлаш цехларини яратишнинг зурурий шартларидан бири ишлаб чиқаришнинг йирик ўлчамларидан ташқари, техник жиҳозланишнинг юксак даражаси бўлиши керак. Парранда гўштини кўпайтиш, энг юқори сифатли озуқа маҳсулотларини тайёрлаш, техник чикитлардан тўла фойдаланиш имконининг беради. Натижада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг нархи бир ярим маротаба кутариллади, қайта ишлов учун кетган харажатлар деярли икки баробар камаяди. Маҳсулотнинг юксак сифати ҳаамда ишлаб чиқаришнинг зарурий санитария даражаси таъминланади. Савдо шахобчаларига тўла маҳсулотлар етказиб бериш мумкин бўлади. Тез музлайдиган ярим фабрикатларни ишлаб чиқариш кенгайди.

3. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини реализациясини ташкил этиши.

Турли ташкилий ҳуқуқий шакллардаги қишлоқ хўжалиги корхоналарининг тадбиркорлик фаолиятида маҳсулотларни сотиш энг самарали йўллари излаш ва танлаш энг муҳим масалалардан бири бўлиши керак. Гап шундаки, истеъмолчига фақат зарурий маҳсулотни етказиб бериш эмас, балки уларни сотиш ҳам, тушган даромад эвазига ишлаб чиқаришни зарурий фоситаларини ҳамда моддий ресурсларни олиш ҳам муҳим.

Амалиётда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг товар маҳсулотларини реализация қилишининг қуйидаги йўллари етакчилик қилади: товар маҳсулотларини харид қилувчи уюшмаларга, корхона ва ташкилотларга, истеъмочи кооперацияларга, бозорга, ўз худудида яшаётган хўжалик ишловчилари ва аҳолига сотиш.

Маҳсулот харид қилувчи уюшмаларга сотилганда давлат қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига нисбатан кафолатли улгуржи харидор бўлади ва улардан маҳсулотларни кафолатли нархларда қабул қилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини реализация қилиш усуллари уларни қабул қилиш жойлари, қайта ишлаш (сақлаш) жойларига транспортда етказиш шарт-шароитларига кўра фарқланади.

Кўпчилик қишлоқ хўжалик корхоналари маҳсулотларни реализация қилиш жойларга ўз мулкӣ транспортларида етказиб берадилар. Бу корхонада кўшимча транспорт воситалари ва ишловчи кучларини сақлаш заруриятини келитириб чиқаради. Маҳсулотни қайта ишлаш корхоналарига етказиб бериш учун кетган харажатлар, кўпинча автомобил бидан ташиш таърифларидан ошиб кетади.

Марказлашган юк ташиш усули жуда кенг тарқалган. Бу усулнинг моҳияти шундаки, маҳсулот етиштирилган жойда сифат жихатлари, ўлчамлари аниқланмасдан катта миқдорда қабул қилинади. Сўнг тайёрловчилар ва қайта ишлов бериш корхоналари транспорти билан ташиб кетилади.

Марказлашган ташиш яхши ташкил қилинганда етказиб бериш жадвалига амал қилинади, ишлаб чиқиладиган маҳсулот сифатини яхшилаш ва турларини ошириш имконияти пайдо бўлади. Бу усул қишлоқ хўжалиги корхоналарига маҳсулотларни ташиш учун кетган, аммо қоплаш мумкин бўлмаган харажатларни бартараф қилишга ёрдам беради. Маҳсулотни юксак сифати учун тўланадиган ҳақ ошади. Юк ташишдаги ошиқча исрофгарчиликлар йўқолади.

Айни пайтда реализация қилишининг бу усулида ҳам жиддий камчиликлар бор. У маҳсулотни сақлаш ва қайта ишлаш технологиясини бузади. Марказлашган юк ташишда тайёрловчи ҳам, қайта ишлов берувчи ҳам нобудгарчилик учун жавоб бериш масъулияти пасаяди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини марказлашган юк ташишда оби-ҳаво, техник ва бошқа шароитлардан қаттиқ назар аниқ ритмни ташкиллаштириш – ўзаро алоқаларни мустаҳкам шаклига ўтишининг асосий шартидир. Хозирги иқтисодий ислохатлар чуқурлашаётган, бозор муносабатлари ривожланаётган шарт-шароитларда қишлоқ хўжалиги тайёрловчи ва қайта ишов берувчи корхоналарнинг ўзаро муносабатларида маҳсулотларни бевосита товар ишлаб чиқарувчилардан қабул қилиш, сўнгра қайта ишлаб чиқариш корхоналарининг иқтисослашган транспорти орқали қайта ишлаб чиқариш ёки савдо шахобчаларига етказиб бериш тобора кенг тарқалмокда. Бунда маҳсулот нобудгарчилиги ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг транспорт чикимлари камаяди. Ихтисослашган транспортдан тўла фойдаланилади.

Ишлаб чиқариш корхоналарида, маҳсулот сифатини сезиларли даражада яхшилайти. Бунда биринчидан, ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва маҳсулотни истеъмол қилиш орасидаги вақтинчалик узилиш камаяди; иккинчидан, кўпгина ҳолатларда муамолли масалалар ўз жойида ҳал этилгани учун маҳсулот сифатининг ҳақиқий баҳоси таъминланади; учинчидан, амалиётда шартлашувчи томонларнинг ишлаб чиқариш жойларида маҳсулотни қабул қилиш муддати ва қайта ишлов бериш корхоналарига етказиб бериш бўйича мажбуриятлари жорий қилинади. Оқибатда ишлаб чиқаришнинг барча босқичларини мукамал тартибга солиш имконияти туғилади.

Фермер хўжаликларнинг маҳсулотлари ўз жойида қабул қилиш ва қайта ишлаш (тайёрлаш) корхоналарининг транспорти билан олиб кетиш анча фойдалидир.

Шунингдек, ҳозирги фермерлардан, чорва ҳамда парранда мажмуалардан маҳсулотни қайта ишлаш корхоналари транспорти билан олиб кетиш ҳам кенг тарқалган.

Бунда қишлоқ хўжалиги корхоналари аввалдан келишилган жадвал бўйича парранда ва чорва топширишга тайёрлайдилар, гўшт комбинатлари бевосита фермаларда уларни қабул қилиб оладилар. Бу транспорт чиқимларни тежашни, гўшт комбинатларга хомашёни аниқ муддатларда ташиб бери шва бир текис келиб тушишни таъминлайди, сўйиладиган молларнинг ортиқча сақланиши муддатини кескин қисқартиради, реализация жараёнида тирик массанинг йўқолишини камайтиради, юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари олиш имконини беради.

Чорвани марказлашган ташишда ихтисослашган транспортлардан фойдаланиш айниқса самарали бўлади. Чорва ташишга мослаштирилган транспортларда ташишда ҳар бир йирикқорамол туёгидан 4,5 кг тирик масса нобуд бўлиши сақланиб қолинади. Масалан, чорва юк кўтариш ҳажми 5-7 тонна бўлган ихтисослашган автотранспортларда 100 км масофага етказиб бериш юк кўтариш ҳажми 2,5-3,5 тонна бўлган автомабилларда етказиб беришдан кўра 30% арзон тушади.

Чорва ва паррандаларни марказлашган ташишни ташкил қилишда ишлаб чиқариш жойларидан маҳсулотни қабул қилиб олгач, уни етказиб бериш мумкин бўлган масофа ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозир чорвани топшириш-қабул қилиш ва қабул қилинган чорва учун ҳисоб-китобларда гўштни миқдори ва сифати моллар сўйилгандан сўнг белгилаш амалиёти кенг қўлланилмоқда. Реализация қилишнинг бундай усули қишлоқ хўжалиги корхоналарини чорванинг гўшт сифатини оширишга манфаатдорлигини кучайтиради, реализация қилиш учун таёрланган гўшт бўйича чорванинг сўқимлиги билан боғлиқ турлари келишмовчиликлар келиб чиқишнинг олдини олади. Бундай ҳолатда амалиётда чорвани топшириш-қабул қилишнинг куйдаги тартиби қабул қилинган;

-гўшт комбинати ёки ихтисослашган автокорхона ҳайдовчиси (қабул қилувчи) бевосита қишлоқ хўжалиги корхоналаридан чорвани бош ҳисобига қабул қилиб олади, илова ҳужжатларининг тўғри тўлдирилганлигини текширади ва маҳсулотни гўшт комбинатига етказиб беради;

-гўшт комбинати ишловчилари корхона вакиллари (топширувчилар) назорати остида молларни сўядилар, ишлов бериб гўшт миқдори, сифат баҳоларини аниқлайдилар ва ш у асосда сўйилган гўшт учун ҳақ тўлайдилар.

Табийки, чорвани реализация қилиш учун кулай шароитларга эга бўлган қишлоқ хўжалиги корхоналари гўшти қайта ишловчи корхоналар билан, улар гўшти чиқиши миқдори кўплигидан манфаатдор бўлганликлари учун охири маҳсулот бўйича ҳисоб-қитоб қилишни афзал кўрадилар. Бирок реализация жараёнини назорат қилиш ва чорвани топширувчилар билан гўшти қайта ишлаш корхоналари ўртасида туўлган кеошмовчиликларни йўқатиш учун жониворларни қишлоқ хўжалик корхонасидан жунатилганда ҳам, гўшт комбинатига қабул қилинаётганда ҳам тортиб кўриш мақсадга мувофиқдир.

Қайта ишлаш комбинатларидан олида жойлашган қишлоқ хўжалик корхоналаридан чорвани ташилганда, етказиб берувчининг айибсиз тирик масса камаиши мумкин. Шунинг учун чорванинг топширувчининг айибсизсўйиладиган майдонларда сақлаш ва гўшт комбинатига ўз вақтидасўйилмаслик харажатлари қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан чорванинг ҳақиқий массасидан келиб хисобланиши керак.